



ВАТАНИМИЗ
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ
25 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ТИНЧЛИКНИ АСРАШГА БАРЧАМИЗ МАСЪУЛ

Тошкент давлат аграр универси-
тетининг Нукус филиалида Ўзбе-
кистон Халқ демократик партияси
Қорақалпоғистон Республикаси
кенгаши томонидан мустақиллиги-
мизнинг 25 йиллик байрамига ба-
ғишлаб «Юртимизда тинчлик ва
осойишталикни асрашга ҳар бири-
миз масъул» мавзусида давра
суҳбати ўтказилди.

«Биз — тинчликсевар сиёсат, озодлик,
бунёдкорлик ва яратувчанлик тарафдори-
миз» шиори остида ташкил этилган тад-
бирда партиянинг туман ва шаҳар кенгаш-
лари раислари, Қорақалпоғистон Респуб-
ликаси Жўқорғи Кенгесидаги фракцияси
аъзолари, депутатлар, ҳуқуқ-тартибот ва
дiniy идоралар вакиллари, университет
профессор-ўқитувчилари ва талабалар иш-
тирок этди.

Унда мамлакатимизда тинчликни асраш,
терроризм, экстремизм каби ёвуз кучлар ва
турли мафкуравий ҳуружларнинг олдини
олиш, аҳоли, айниқса, ёшларни бундан огоҳ
этиш борасида кенг қўламли ишлар амалга
ошириллаётгани таъкидланди.

Бунда ҳуқуқ-тартибот идоралари билан
бирга сиёсий партиялар, жамоат ташкилот-
лари ҳам фаоллик кўрсатиши муҳим
аҳамиятга эга. Шу мақсадда партия давлат
ва фуқаролик жамияти институтлари билан
ҳамкорликда жойларда тушунтириш-тарғи-
бот ишлари, маънавий-маърифий тадбир-
лар ташкил этиб келмоқда.

Давра суҳбатида Ватанимиз мустақилли-
гининг 25 йиллик байрамини кенг нишон-
лаш, ҳар бир хонадонда осудалик, байрамо-
на кайфият ҳукмрон бўлишини таъминлаш
масалалари юзасидан фикр алмашилди.

А.ОРТИҚБОВЕВ,
ЎЗА мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ
ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ
ЛОЙИХАСИ:

«Ижтимоий ҳимоядан — ижтимоий фаоллик сари»

Хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-
қувватлаш, ижтимоий ҳимоясини кучайти-
риш, иш билан таъминлаш, бир сўз билан
айтганда, уларнинг турмуш даражасини ях-
шилаш масаласига алоҳида эътибор кара-
тиб келинмоқда. Бу жараёнда Ўзбекистон
Халқ демократик партияси ташкилотлари
фаол иштирок этишга ҳаракат қилишди.
Қатор ташаббуслар амалга оширилмоқда.
Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаол-
лигини ошириш сектори томонидан ўтка-
зиб келинаётган «Ижтимоий ҳимоядан —
ижтимоий фаоллик сари» лойиҳаси фикри-
миз тасдиғидир.


Лойиҳа доирасидаги тадбирлар давоми-
да ўз ишчини бошлаш истагида бўлган хо-
тин-қизлар ва коллеж битирувчиларига
қўмақлашилмоқда. Касаначилик ва уй ме-
ҳнатининг бошқа шаклларида меҳнат фаол-
лигини бошлаганларга меҳнат қонунчили-
ги кенг тушунтирилди.

Ҳўш, ўтган давр мобайнида мазкур
лоийҳа юзасидан қандай натижаларга эри-
шилди? Худудларда тадбирлар қандай са-
вияда ташкил этилмоқда?

► Давоми 2-бетда.

КЕЧА КИМ ЭДИГУ БУГУН КИМ БЎЛДИК?

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ АСОСЛАРИ




Дунёда байрамлар, қутлуг кунлар кўп.
Халқлар ва мамлакатлар ҳаётида
уларнинг ҳар бири ўз ўрни ва аҳамиятига
эга. Лекин Ер юзидан инсоний қадр-қиммат,
бахту саодат, ёруғ келажак ва тараққиёт ка-
фолати сифатида юракларда чексиз фахр-
ифтихор билан нишонланадиган, алоҳида
эъзозланадиган айём борки, бу шубҳасиз,
ҳар бир халқнинг мустақиллик байрамидир.

Яна санокли кунлардан кейин она Вата-
нимиз — Ўзбекистонни жаҳонга мустақил
давлат сифатида танитган муборак кун —
истиклолимизнинг 25 йиллигини катта шоду
хуррамлик билан байрам қиламиз. Бугунги
кунда ана шу улуг санани ҳар томонлама
муносиб қутиб олиш ва тантанали нишон-
лаш учун қизгин тайёргарлик кўрилмоқда.
Муҳтарам Президентимизнинг «Ўзбекистон

Республикаси давлат мустақиллигининг йи-
гирма беш йиллик байрамига тайёргарлик
кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори
бу борада дастуриламал бўлиб хизмат қил-
моқда ва унда белгилаб берилган устувор
вазифалар ва чора-тадбирларнинг ҳар бири
чўқур маъно-мазмунга, алоҳида ижтимоий-
сиёсий аҳамиятга эга.

► Давоми 3-бетда.

Уч нафар боксчимиз финалда!



XXXI ёзги Олимпия ўйинларида боксчиларимиз муваффақиятли иштирок этишмоқда.
Бектемир Мелиқўзиев (75 кг.) дан сўнг яна икки нафар боксчимиз финалга йўлланма олди.
Ярим финалда Шаҳобиддин Зоиров (52 кг.) Венесуэла вакили Йозель Сегундо Финоль устидан катта устуликда ғалаба
қозонди. Энди у финалда Россия вакили Миша Алоян билан куч синашади.
Фазлиддин Гоипназаров (64 кг.) эса россиялик кучли рақиби, жаҳон чемпиони Виталий Дунайцевни мағлубиятга учратди.
Финалда у озарбайжонлик Лоренцо Сотомайор (асли кубалик) билан жанг қилади.
Олтин медаль учун бўладиган учрашуларда боксчиларимизга муваффақият тилаймиз!

ЎЗХДП ГУРУҲЛАРИ ТАШАББУСИ БИЛАН

Сессияда бандлик дастури ижроси кўриб чиқилди

Маҳаллий Кенгашлардаги ЎЗХДП гуруҳлари бандлик да-
стури ижроси бўйича депутатлик назоратини кучайтиришга,
шу масалада ташаббуслар билан чиқишга алоҳида эътибор
қаратмоқда. Мақсад режалаштирилган иш ўринлари ўз вақ-
тида очилиши, барқарор бўлишига эришишдир.

Тўрақўрғон туман Кенгашидаги ЎЗХДП гуруҳи касб-
хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш
масаласини ўз назоратига олган. Депутатлар томонидан
битирувчилар билан учрашувлар ўтказилиб, тўрт томонла-
ма шартномалар қандай ижро этилаётгани, амалиёт ўташ,
ишга жойлаштириш масалалари ўрганиб чиқилди.

► Давоми 2-бетда.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

«Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодексга қўшим-
чалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Архив ишлари бўйича маъмурий жавобгарлик белгиланмоқда

Мазкур лойиҳа билан архив
хизматлари оид фаолият тако-
миллаштирилмоқда. Кодексга ки-
ритилаётган қўшимчалар фуқаро-
ларга, мансабдор шахс ва хизмат-
чиларга архив ҳужжатларини топ-
шириш ва сақлаш, архив хизмат-
лари кўрсатиш ва архив ҳужжат-
лари билан фойдаланишнинг белги-
ланган тартибини бузганлик учун
жавобгарлиқни назарда тутди.
Ушбу тоифадаги ишларни судлар
томонидан кўриб чиқиш тартиби-
ни белгилайди.

Бу келгусида фуқароларнинг ҳуқуқ
ва эркинликлари ҳимоя қилинишини
таъминлашга хизмат қилади.
Таклиф этилаётган қўшимчалар
корхона, ташкилот ва муассасалар-
нинг мансабдор шахслари ва хиз-
матчилари, шунингдек, тегишли
фуқаролар томонидан архив ҳуж-
жатларини сақлаш, архив хизмат-
лари кўрсатиш, архив ҳужжатлари-
дан фойдаланиш тартибини бузиш
ҳолатларининг олдини олади.

Ўз мухбиримиз.



БУГУН
ОНА
ЮРТДА...

БАЙРАМ ДАСТУРХОНИ тўкин бўлади

Мустақиллик байрами арафаси-
да шаҳар аҳолисини сифатли ва
арзон маҳсулотлар билан таъмин-
лаш мақсадида Андижон шаҳрида
«Она ер саховати» ярмаркалари иш
бошлади.

Kup.uz сайти берган маълумотга
қўра, Олтинқўл туман миришкорлари
шаҳарнинг 1 кичик даҳасида ана шун-
дай ярмарка ташкил этиб, шаҳарлик-
ларга ўзлари етиштирган полиз, саб-
завот, балиқ ва ғўшт сингари қишлоқ
ҳўжалиги маҳсулотларини арзон нарх-
ларда етказиб бермоқдалар.

— Савдо шохобчаларимизда дех-
қонларимиз томонидан тақдим қилин-
ган сара қишлоқ ҳўжалик маҳсулотла-
ри сотилмоқда, — дейди Олтинқўл
туман ҳокимлиги вакили Шойтбек
Эргашев. — Байрам дастурхони тўкин
бўлишини таъминлаш мақсадида маҳ-
сулотларимиз бозордаги нисбатан
арзон нархларда сотилмоқда. Яратил-
ган бундай қулайликдан шаҳар аҳоли-
си беҳад мамнун бўлаётир.

Ташкил этилган ярмаркага вилоят
ҳокими Шухратбек Абдурахмонов таш-
риф буюрди ва савдо шохобчаларида
яратилган шароитлар билан танишди.

МУСТАҚИЛЛИК ИНШООТЛАРИГА ёшлар саёҳати

Наманган шаҳрининг диққатга са-
зovor худудлари бўйлаб «Мустақил-
лик иншоотларига саёҳат» лойиҳаси
ташкил этилди. Бу ҳақда uz24.uz сай-
ти хабар бермоқда.

«Наманган ёшлар маркази» ташаббу-
си билан шаҳар, туман ҳокимликлари, ви-
лоят Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш, Ма-
даният ва спорт ишлари, Халқ таълими
бошқармалари, «Камолот» ЁИХ вилоят
кенгаши ва бир қатор ташкилотлар ҳам-
корлигида ўтказилган тадбирга 100 на-
фардан ортиқ ёш жалб этилди.

Лойиҳа иштирокчилари «Наманган
ёшлар маркази»да тантанали равишда
кутиб олинди. Шундан сўнг юртимизда
ишлаб чиқарилган автомобилларда саё-
ҳат бошланди.

Лойиҳа доирасида истиқлол йилла-
рида бунёд этилган «Навбахор» мар-
казий ўйингоҳи, «Кичкинтойлар боғи»
ҳамда вилоят Ўлкашунослик музейига
саёҳат уюштирилди.

Тадбир якунида вилоят санъаткор-
лари иштирокида концерт дастури на-
мойиш этилди. Фаол ёшлар ташкилот-
чилар томонидан диплом ва совғалар
билан тақдирланди.

«САМАРҚАНД КИТОБ ОЛАМИ»

Самарқанд вилоят прокуратураси
томонидан Самарқанд шаҳридаги 64-
сонли алоҳида тарбияга муҳтож бо-
лалар мактаб-интернати ва Меҳри-
бонлик уйлари тарбияланувчилари-
нинг «Самарқанд китоб олами» маж-
муасига саёҳати уюштирилди.

Болаларнинг китобга меҳрини яна-
да ошириш, маънавиятини юксалтириш-
га қаратилган тадбирда тарбияланув-
чиларга мамлакатимизда интеллектуал
салоҳиятли авлодни камолга етказиш
борасида амалга оширилаётган ишлар
ҳақида сўзлаб берилди.

Вилоят ҳокимлигининг расмий сай-
тида хабар берилишича, болалар бу
ерда «Президент асарлари», «Сиёсий-
ҳуқуқий китоблар» бўлиmlари, виртуал
китоблар маркази, болалар ва тақди-
мотлар заллари ҳамда «Book safe»
фаолияти билан танишдилар.

Тадбир ташкилотчилари томонидан
болаларга бадиий китоблар совға
қилинди.

ЎЗХДП: ФАКТ ВА
РАҚАМЛАР

УЧҚУДУҚ ТУМАН КЕНГАШИДАГИ
ЎЗХДП ГУРУҲИ АҲОЛИГА КОММУНАЛ
ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШ СИФАТИНИ
ЯХШИЛАШ ТЎҒРИСИДАГИ МАСАЛАНИ
СЕССИЯ МУҲОКАМАСИГА КИРИТДИ.

ЧИМБОЙ ТУМАН КЕНГАШИДАГИ
ПАРТИЯМИЗ ГУРУҲИ ИШ ЎРИНЛАРИ
ТАШКИЛ ЭТИШ ВА АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАСИНИ СЕССИЯГА
ОЛИБ ЧИҚДИ.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА ПАРТИЯМИЗ
АЪЗОЛАРИ СОНИ 32455 НАФАРГА ЕТДИ.
УЛАРНИНГ 14512 НАФАРИНИ ХОТИН-
ҚИЗЛАР, 7983 НАФАРИНИ ЁШЛАР
ТАШКИЛ ЭТАДИ.

ЎзХДП ГУРУҲЛАРИ ТАШАББУСИ БИЛАН

■ Касб-хунар коллежлари битирувчилари, яъни ёшларимизни ишга жойлаштириш масаласи доимий эътиборда бўлмоғи лозим.

Сессияда бандлик дастури ижроси кўриб чиқилди

Маълум бўлишича, 2014-2015 ўқув йилида тумандаги касб-хунар коллежларини 3214 нафар йигит-қиз тамомлаган бўлса, улар билан тузилган шартнома талаблари айрим корхона-ташкilotлар томонидан бажарилмаган ҳолатлар кузатилган. Назорат-таҳлил давомида бу борада қатор камчиликларга ҳам йўл қўйилгани, бунинг сабаблари аниқланди. Шундан сўнг депутатлик гуруҳимиз масалани туман Кенгашининг тегишли доимий комиссияси ва сессия муҳокамасига олиб чиқишга қарор қилди.

— Аҳолининг бандлик даражасини ошириш, даромад манбаларини кенгайтириш тарафдор бўлган партияимиз учун бу масала долзарб аҳамиятга эга, — дейди **Тўрақўрғон туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи раҳбари Аҳмадали Мусабоев**. — Шундай экан, бандлик дастури ўз вақтида, тўлиқ бажарилаяптими, деган савол ҳақида ҳаммаимиз бирдек ўйлашимиз, иш ўрни яратиш, одамлар турмушини энгиллаштиришга ҳаракат қилишимиз лозим, албатта.

Назорат-таҳлил давомида аҳоли, айниқса, касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш борасида қатор амалий саъй-ҳаракатлар олиб борилгани маълум бўлди. Масалан, битирувчиларнинг таълимга мос равишда амалиёт ўташи ва ишга жойлаштириш бўйича ижобий натижаларга эришилган. Ёшлар бандлигини таъминлаш, бу борадаги ташаббусларга йўл очиб беришда маҳаллий ҳокимиятнинг масъулияти ошган.


Бироқ айрим жойларда уч томонлама шартномалар тўлиқ бажарилмаётганиги, битирувчилар учун ажратилган иш ўринлари уларнинг мутахассислигига тўғри келмаслиги

Давоми. Бошланғич 1-бетда.

билан боғлиқ муаммолар учрамоқда. Бундан ташқари, ишга жойлашган битирувчиларнинг муайян қисми кўп ўтмай бўшаб кетадигани кишини ўйга толдиради.

— Битирувчилар ишга жойлаштириш уларнинг келажаги билан боғлиқ долзарб масалалар, — дейди **туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Шоира Раҳимова**. — Коллеж — корхона ҳамкорлигини йўлга қўйиш, меҳнат ярмаркаларини тизимли ўтказиш, ёшлар ўз ишини ташкил этишига кўмаклашиш, имтиёзли микрокредитлар ажратиш каби тадбирлар ўз самарасини бераётти. Аммо касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича қатор камчиликларга йўл қўйилган. Бу масала ЎзХДП гуруҳи йўналишида атрофлича муҳокама этилди, тақлиф ва мулохазалар билдирилди. Депутатлар мазкур йўналишда олиб борилаётган ишлар бўйича мутасадди ташкилотлар ҳисоботларини сессияларда эшитиш, шу асосда қатъий қарор қабул қилиш керак, деган ақидил фикр билдиришди.

Масала сессияда ҳам қизғин муҳокама этилди. Касб-хунар коллежлари директорлари, туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази



раҳбарлари зиммасига аниқ вазифалар юклатилди.

Бирор масаланинг ўрганилиши, сессия кун тартибига киритилиши ва муайян қарор қабул қилиниши билан кўтарилган муаммо тўлиқ ечим топди, деб бўлмайди, албатта. Бу борада амалий натижага эришиш учун изчил фаолият юритиш зарур. Яъни, сессия қарорлари ижросини мунтазам мониторинг қилиб боришимиз талаб этилади.

Самарқанд шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳида 6 нафар депутат фаолият юритади. Улар аҳоли, хусусан, касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатидан келиб чиқиб, бандликни таъминлашга катта эътибор қаратапти.

Хусусан, яқинда партияимиз гуруҳи 2016 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижроси бўйича назорат-таҳлил олиб борди. Дастурда белгиланган объектларнинг ўз вақтида очилиши, вақтинча

фаолиятини тўхтатиб турган ишлаб чиқариш тармоқларида учраётган муаммоларни бартараф этиш, касаначилик, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш орқали янги иш жойлари яратиш билан боғлиқ масалалар ўрганилди.

Депутатларнинг қайд этишича, шаҳарда йилнинг ўтган 6 ойи давомида 5814 иш ўрни яратилган. Шундан саноатда 528, хизмат кўрсатишда 183, уй меҳнатини ташкил қилиш ҳисобига 644 иш жойи очилган. Шаҳарда аҳоли бандлигини таъминлаш, уларни бўш иш ўринлари билан таништириш мақсадида мунтазам равишда меҳнат ярмаркалари ташкил этиб келинмоқда.

Депутатлар назорат-таҳлил ишлари натижаларини умумлаштириб, уларни сессия муҳокамасига олиб чиқишди. Унда маҳаллийлаштириш ва бандлик қатор мақсадли дастурларнинг муваффақиятли амалга оширилиши иш ўринлари очилиши учун қўлай шaroит яратаетгани қайд этилди. Бандлик дастури ижросини таъминлаш,

битирувчиларнинг ишга жойлашгани ҳақидаги маълумотларнинг ҳаққонийлигига эришиш билан боғлиқ масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Шундан сўнг дастур ижросида аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқилди. Депутатларнинг қайд этишича, коллежларнинг касбга тайёрлаш йўналишларини ҳудуд иқтисодиёти билан мувофиқлаштириш битирувчиларини ишга жойлаштиришда муҳим аҳамиятга эга. Чунки битирувчи талаб ва эҳтиёж бор жойга келади, муҳими, қийинчиликсиз иш бошлайди.

— Йўл қўйилган камчиликларнинг олдини олиш мақсадида шаҳар ҳокимлиги, масъул бошқармалар билан ҳамкорликда ишнинг тизимли ва самарали ташкил этишимиз керак, — дейди **Самарқанд шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Фарух Саъдуллаев**. — Дастурга киритилган ҳар бир лойиҳа ташаббускори билан учрашиб, уни амалга ошириш йўл-

йўриқларини маслаҳатлашсак, шунда юзага келадиган муаммоларни бартараф этиш чоралари аниқ белгиланади.

Шунингдек, жойларда уй меҳнати, оилавий тадбиркорликни кенг йўлга қўйиш лозим. Бунинг учун, керак бўлса, уйма-уй юриб, одамлар билан юзма-юз учрашиб талаб этилади. Ишлаб чиқаришнинг қайси турига қизиқиши бор, бироқ қўлида маблағи йўқлиги учун иш бошлашга қийналиб юрган одамларни аниқлаш зарур. Уларга меҳнат қонуничилигини кенг тушунтириш, бизнес-режа ишлаб чиқиш тартиби ҳақида маълумот бериш, сарсонгарчиликларсиз кредит олиши учун яқиндан кўмаклашиш керак, дейишди ЎзХДП депутатлари.

Партия гуруҳи билдирган тақлифлар депутатлар томонидан қизғин муҳокама этилди ва сессия тегишли қарор қабул қилди.

Унга қўра, Самарқанд шаҳар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, солиқ инспекцияси, статистика бўлими раҳбарлари зиммасига аниқ вазифалар юклатилди. Бандлик дастури ижросининг бориши устидан тизимли мониторинг ишлари олиб борилиши ҳамда барча соҳалар, йўналишлар бўйича ҳисоботларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш, жойларда хизмат кўрсатиш, оилавий тадбиркорлик ва уй меҳнатини ривожлантиришга эътиборни кучайтириш бўйича чоралар белгиланди. Инфратузилма объектларини қуриш ва ишлаб турганларини кенгайтириш, ишламаётган корхоналар фаолиятини қайта тиклаш бўйича муҳим тавсиялар ишлаб чиқилди.

Лазиза ШЕРОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ҲАЁТИДАН

Хоразмда «Соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ўрни» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тарғибот ишлари кучайтирилмоқда

Унда Урганч шаҳар кенгаши масъуллари, депутатлар, туман хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлими ходимлари, кенг жамоатчилик вакиллари ва ёшлар қатнашди.

Сўзга чиққанлар оилалар мустақамлигини таъминлаш, ёшлар маънавиятини юксалтириш, эрта ва қариндошлар ўртасидаги ниқоҳнинг олдини олиш масалаларига тўхталиб ўтишди.

Партия кенгашлари депутатлар ва ҳамкор ташкилотлар билан бирга ҳар бир маҳалла ва қишлоқда тарғибот ишларини олиб бориши, одамлар билан очик мулоқотлар ташкил этиши муҳим экани қайд этилди.

Тадбир доирасида тиббий маданиятни юксалтириш, оилаларда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ёшларда соғлом оила қуришга интилишни кучайтириш, юқумли касалликларга қарши курашиш бўйича тушунтириш ишлари олиб борилди.

«Аёллар соғлиғи — жамият бойлиғи»

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси кенгаши томонидан «Хислат» маҳалла фуқаролар йиғинида ана шу мавзуда давра суҳбати ўтказилди.

Маҳаллий партия кенгашлари мутасаддилари, тиббиёт ходимлари ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд қатлам вакиллари ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, хотин-қизлар саломатлигини мустақамлаш масалалари ҳақида сўз юритишди.

Хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишнинг ҳуқуқий асослари, бу борадаги вазифаларни ҳаёта татбиқ этишда депутатлар ва партия ташкилотлари ҳамкорлигини кучайтириш, аёллар соғлигини муҳофаза қилишда давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқаларни ривожлантириш бўйича маърузалар тингланди ва амалий машғулотлар ташкил этилди.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, тиббий хизмат сифати ва самардорлигини ошириш, ёш оналар ва болаларнинг овқатланиш рақсонини бойитиш, соғлом фарзанд туғилиши учун ниқоҳдан олдин тиббий кўрикдан ўтишининг муҳимлиги юзасидан фикр алмашилди.

Акцияда терапевт, невропатолог, кардиолог, эндокринолог, гинеколог каби малакали шифокорлар аҳолини бепул тиббий кўриқдан ўтказди. Касаллик аниқланганларга даволаниш учун тавсия ва йўлланмалар берилди.

Аброр ҚУРБОНОВ
тайёрлади.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING ЛОЙИҲАСИ:

«Ижтимоий ҳимоядан — ижтимоий фаоллик сари»



Гулишан АСАТОВА,
ЎзХДП Марказий
Кенгаши сектор
мудир:



Озода
КУЛИМОВА,
ЎзХДП Хоразм
вилоят
кенгаши сектор
мудир:



Гули
АБДУРАҲИМОВА,
ЎзХДП Тошкент
вилоят кенгаши
сектор мудир:



Феруза НИШОНОВА,
ЎзХДП Фарғона
вилоят кенгаши
сектор мудир:

— Биринчи навбатда партия электорати ҳисобланган хотин-қизлар орасидан ишлашга, касаначилик меҳнати, тадбиркорлик билан шугулланишга хоҳиши ва малакаси бор хотин-қизлар аниқланиб, уларнинг мутахассислиги таҳлил қилинмоқда. Корхоналардаги бўш иш ўринлари, касаначилик меҳнатини ташкил этиш бўйича имкониятлари, шунингдек, корхона ва ташкилотларнинг мутахассисларга бўлган эҳтиёжи ўрганилиб, хотин-қизларга йўл-йўриқ кўрсатилмоқда. Бундан ташқари, мутахассисларни жалб этган ҳолда бизнес-режалар ишлаб чиқиш ва кредит олиш масалаларида кўмак берилаяпти.

Жорий йилнинг ўтган олти ойи давомида лойиҳа доирасида республика бўйича 700 дан ортиқ тадбир ўтказилди. 1000 га яқин корхона ўрганилиб, улардаги бўш иш ўринлари аниқланди. Натижада 1600 нафарга яқин хотин-қиз ишга жойлашди. 380 нафардан ортиғига кредит олишларида ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, тадбирлар жараёнида 2500 нафардан ортиқ хотин-қиз партияимиз сафига қабул қилинди.

Давоми. Бошланғич 1-бетда.

— Электорат вакиллари орасига янада чуқур кириб бориш, уларни ўйлантираётган масалаларни ўрганишда лойиҳанинг аҳамияти катта бўлаяпти. Ўтказилаётган тадбирлар орқали биз хотин-қизлар бандлигини таъминлашда дуч келинаётган муаммоларни ўрганиб, уларни ҳал этишга кўмаклашмоқдамиз.

Вилоят бўйича жорий йилнинг биринчи ярмида 67 нафар хотин-қиз иш билан таъминланди. 100 нафар аёлга ҳуқуқий маслаҳатлар берилди, уларнинг 70 га яқини ўз ишини бошлади. Секторимиз томонидан ўтказилган учрашув, давра суҳбатлари чоғида 436 нафар хотин-қиз партияимиз сафига қабул қилинди.

Мақсадимиз оилалар турмуш фаровонлигини ошириш, аёлларнинг оғирини энгил қилиш, уларга қўлай шарт-шaroит яратишдан иборатдир.

— Ўзбекистон ХДП Сайловолди дастурида аҳоли, жумладан, хотин-қизлар учун барқарор ва юқори ҳақ тўланадиган иш ўринлари яратиш, уларнинг шахсий ташаббускорлигини рағбатлантириш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган.

«Ижтимоий ҳимоядан — ижтимоий фаоллик сари» лойиҳаси бунга амалга оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Лойиҳа асосида олти ой давомида вилоятимизда 100 дан ортиқ маҳаллада давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказилди.

Ҳудудлардаги корхоналарда 400 га яқин бўш иш ўрни аниқланди. 133 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланди. Бу борада мутасадди ташкилотлар ва партияимиз гуруҳлари ҳамкорлиги қўл келмоқда. Партияимизга ишонч ортмоқда. Лойиҳа доирасида 348 нафар хотин-қиз партияимиз сафига киргани бунинг исботидир.

Ҳар ойда маҳаллаларда ўтказилаётган тадбирларнинг аҳамияти шундаки, бандлик масалаларидаги муаммолар жойида ўрганилаяпти. Айрим аёллар қўлида сармояс билан қаерга боришни, мустақил ишини қандай бошлашни билишмайди. Айримлар кредит олиш тартиб-қоидаларини яхши билмай, муаммоларга дуч келишмоқда. Биз ҳамкорлар ва депутатлар кўмағида уларни қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилияпмиз.

— Хотин-қизлар ҳамширалик, тарбиячи йўналишларида иш ўринлари камлиги, фойдаланилмаётган биноларни тикувчилик цехига айлантириш масалаларида мурожаат қилишяпти. Уларнинг кўпчилиги жойида ҳал этилаяпти. Айримлари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва партияимиз гуруҳларига тақдим қилинмоқда.

Мисол учун, Марғилон шаҳар Чарогон маҳалласида 23-мактабга таълим муассасасига кам таъминланган оила фарзандини имтиёзли тарзда олиш, вилоят касалхонасига бепул даволанишга йўлланма бериш масалалари ҳал этилди. Навоий ва Ясавий маҳаллалари ўртасидаги Фурқат кўчасини асфальтлаштириш бўйича шаҳар ободонлаштириш бошқармасига депутатлик сўрови юборилди.

Хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларнинг қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариш, бунинг учун муносиб шарт-шaroит яратиш долзарб ҳаётимиз масала ҳисобланади. Партияимизнинг «Ижтимоий ҳимоядан — ижтимоий фаоллик сари» лойиҳаси шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Гулрух ОДАШБОВЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

КЕЧА КИМ ЭДИГУ
БУГУН КИМ БЎЛДИК?
(12-мақола)

■...Анъана ва қадриятларга садоқатли, она тилини эъзозлаган, дину диёнатли, ҳамжиҳат халқ ҳеч кимга ҳеч қачон қарам бўлмайди.

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ АСОСЛАРИ

Қарорда таъкидланганидек, «мустақиллик ҳаётимизнинг маъно-мазмунини тубдан ўзгартириб, халқимизни қарамлик кишанларидан озод қилгани, топталган қадриятларимиз, дину диёнатимиз, ору номуслимизни тиклаш, ўзлгимизни англаш, фаровон ҳаёт ва ёруғ келажакимизни ўз қўлимиз билан қуриш йўлида бекиёс имкониятлар очиб берганини кенг ёритиш» ҳар бир журналистнинг, қолаверса барча зиёлиларнинг энг муқаддас бурчи ва вазифаси ҳисобланади. Мазкур қарор асосида ишлаб чиқилган ва ҳаётга татбиқ этилаётган ташкилий-амалий, маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари республика дастури доирасида олиб борилаётган ишларни кўриб, Ватанимизнинг буюк келажagini ўз қўли билан барпо этаётган мард ва олижаноб халқимизнинг бунёдкорлик қудратига яна бир бор тан берамиз.

Шу аснода, мустақиллик биз учун — топталган қадр-қимматимиз, обрў-эътиборимизни жойига қўйган, ота боболаримизнинг асрий орзуларини рўёбга чиқарган буюк тарихий воқеа, истиқлол айёми эса байрамларнинг энг улуғи, энг азизи эканини янада чуқур англаймиз.

Ҳақиқатан ҳам, мустақиллик — қадриятларимизнинг тикланиши, миллий анъаналаримизнинг яна ўзимизга қайтарилиши, она тилимиз, ўзлгимизнинг қадр-қиммат топиши, бир сўз билан айтганда, адолат, озоодлик ва ҳақ-ҳуқуқнинг тантанаси, халқимизнинг тарихий ютуғи эканини исботлайдиган мисолларни бугун ҳар биримиз ўз ҳаётимиздан, оиламиз, маҳалламиз, қишлоғимиз, шаҳримиздаги ўзгаришлардан исталганча келтиришимиз мумкин.

Маълумки, она тили ва миллий қадриятларини йўқотган миллатнинг охири-оқибати озоодлик ҳам қўлдан кетиши, у ўзлгимиздан жудо бўлиши, миллий қиёфасини йўқотишига кўҳна тарих неча бор гувоҳ бўлган. Ўз навбатида, ўзлгини англаш, озоодлик ва мустақиллик сари интилиш айнан она тили ва миллий анъаналарнинг тикланиши, жамиятда тинчлик ва адолатни ўрнатishга интилишдан бошланиши ҳам ҳақиқат.

Шу маънода, «ёвузлик салтанати» деб ном олган соёбик мустабид тузум куч-қудратга бўлиб турган 1989 йили Ўзбекистонда она тилимизга давлат тили мақоми берилгани истиқлолнинг ҳаёتبаш куртаги, даракчиси бўлиб, десак, хато қилмаган бўламиз. Ягона «совет оиласи» деб баландпарвоз гаплар билан таърифланган бу сохта тузилмада амалда фақат битта тил ривожлантирилаётган, миллий тиллар расмий идоралардан сиқиб чиқарилиб, қўлдан кетиши тили даражасига туширилган даврда бундай қарор қабул қилиниши жуда катта воқеа, ёз чиласида қаҳмоқ қаҳдан сингари фавақулдада ходиса эди.

Халқимизнинг минг йилликлардан ўтиб келаётган руҳи ва қадриятларини ўзида мурасам этган Наврўз байрами 1990 йили республикада биринчи бор кенг нишонланди. Президент Ислам Каримов томонидан мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудида бу қадимий байрамни тантанали нишонлаш тўғрисида топшириқ берилди. Ушбу тарихий ҳодисанинг ҳосиласи сифатида ўша йилнинг 3 май кuni алоҳида фармон билан Ўзбекистон ҳақида ҳар йили 21 март — Наврўз умумхалқ байрами нишонланадиган дам олиш кuni деб эълон қилинди.

Фармонда халқимизнинг гўзал ва бетакрор байрами —

Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Наврўзнинг тикланишини республикамизнинг бутун аҳолиси мамнуният билан маъқуллаб, кўтаринки руҳда қўтиб олгани, Ўзбекистон аҳолиси хоҳиш-иродасини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, халқнинг чинакам тараққиёти ва гуллаб-яшнашини таъминлаш зарурлиги таъкидланди. Ва мазкур фармон орқали байрамни ўтказишда керакли шарт-шароитларни яратган барча ташкилотларга миннатдорлик билдирилиб, байрамга катта ҳисса қўшган, халқ анъаналари ва русумларини бойитган клублар,

1991 йилда Мустақиллик декларациясини қабул қилган баъзи давлатлар бугун бошқаларнинг чизигидан чиқмасдан, уларнинг қўш-қовоғига қараб яшаб келаётгани мисолида кўриб-билиб турибди. Ҳақиқий мустақилликка эришиш учун том маънода мустақил сиёсат юргизиш, ўз қатъий йўли, ўз мустақил сўзига эга бўлиб, бировларнинг йўриғига юрмаслик, мустақилликнинг мустаҳкам илдири ва асосларини яратиш, қанчалик қийин бўлмасин, фақат ва фақат олдинга қараб юриш талаб қилинишини

умуминсоний моҳият ва аҳамиятга эга бўлган баҳор байрами кунларида мамлакатимиз Президенти юртимиздаги бунёдкорлик ишлари билан танишиб, янги объектларни ишга тушириш маросимларида шахсан иштирок этар экан, бунда миллатимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рағбатлантириш, Наврўзнинг эзгу моҳиятини янги маъно-мазмун билан бойитиш мақсдаи мурасам, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Шу маънода, Наврўз — йилбоши нафақат табиат байрами,

Соҳада яратилган меъёрий-ҳуқуқий база ўзбек тили билан бирга, мамлакатимизда яшаётган барча миллат ва элатларнинг ўз она тилини ривожлантириш ва уни эркин қўллашдан иборат конституциявий ҳуқуқларидан фойдаланишни кафолатлаб келмоқда. Бугунги кунда таълим муассасалари 7 тилда фаолият олиб бормоқда. Юртимиздаги оммавий ахборот воситалари ва матбаа маҳсулотлари 7 тилда чоп қилинмоқда, эфирга узатишмоқда. Хорижий тилларни ўрганишга ҳукумат даражасида

қанча фахрланиб гапирса арийдиган. Истиқлол туфайли қад ростилаган Минор масжиди, Ҳазрати Имом, Баҳоуддин Нақшбанд, Имом Бухорий мажмуаси каби ўнлаб иншоотлар эса юртимиздаги энг кўркам ва муқашам бинолар сифатида халқимизга алоҳида гурур ва ифтихор бағишламоқда.

— Мен Тошкентга биринчи марта 1979 йилда келган эдим, — деган эди Ислам конференцияси ташкилоти Бош қотиби Ақмалиддин Эҳсон ўғли Президентимизнинг «Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция иштирокчилари билан Оқсарой қароргоҳида бўлиб ўтган учрашувида. — 1979 йили мен Тошкент ва Бухорода кўрган тарихий ёдгорликлар хароба ҳолида эди. Орадан шунча йил ўтиб, кеча яна Самарқанд ва Бухорони бориб кўриш имконияти туғилган, умуман бошқача манзаранинг гувоҳи бўлдим. Имом Бухорий ва Баҳоуддин Нақшбанд мажмуаларидаги жуда катта ўзгаришлар мени ҳайратда қолдирди.

...Шу бугун, яъни Сиз Президент жаноби олийларининг ҳузурига келишдан олдин яна бир меъморий обидани бориб кўрдим. Бундай жозибали обидани мен илгари кўрмаган эдим. Мен ҳайрат билан тилга олаётган бу обида Тошкентдаги Ҳазрати Имом мажмуасидир. Унинг санокли ҳафталаб ичида шундай гўзал қиёфада яратилгани менга Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Султон Хусайн давридаги бунёдкорликларни эслати.


Қисқаси, мен мамлакатимизнинг янги руҳ билан яшаётганини қалбимдан сездим. Шунинг учун ҳам очик айтмакчи, Тошкент шаҳрига Ислам маданияти пойтахти деган ном берилишини фақат ўзимиз меъмор билан боғлиқ, деб тушунамаслик керак. Мен бунини Ўзбекистондаги очикқўнгил инсонларнинг буюк меросига меҳр-муҳаббатни ифодаси, деб баҳолаган бўлардим.

Дарҳақиқат, Ислам Конференцияси ташкилотининг маданияти бўйича тузилмаси — АЙСЕКОнинг Тошкент шаҳрига «Ислам маданияти пойтахти» деган ном бериш ҳақидаги қарори Ўзбекистоннинг ислом тарихи ва маданияти, меъморчилик санъатининг намунаси бўлмиш бетакрор обидаларга катта ҳурмат ва эҳтиром билан қараб, уларни асраб-авайлаш, қайта тиклаш ҳамда эътиқод эркинлиги, диний бағрикенглик борасида олиб бораётган бугунги кенг қўламли ишларига берилган баҳо, эътироф эди.

Миллий қадриятлар, урф-одатлар эъзозланган, адолат, инсоф, дину диёнат, меҳру оқибат қарор топган заминда тинчлик-осойишталик, барқарорлик бўлади. Истиқлолнинг мустаҳкам маънавий асослари ҳам шу: анъана ва қадриятларга садоқатли, она тилини эъзозлаган, дину диёнатли, ҳамжиҳат халқ ҳеч кимга ҳеч қачон қарам бўлмайди.

Шу маънода, азиз Ватанимиздаги тинч, эркин, мустақил ва фаровон турмушга шукрона келтириш билан бирга, истиқлол неъматларининг қадрига етиш, кеча ким бўлганимиз бугун ким эканимизни яна бир бор тафаккур қилиш, ўзлгимизни англаш, қадриятларимизни асраб-авайлаш ҳаммамизнинг нафақат фуқаролик бурчимиз, балки Президентимиз таъбири билан айтганда, тарихий вазифамиз ҳисобланади. Мустақиллигимизнинг 25 йиллик тарихи, Ватанимизнинг 25 йиллик мустақил тараққиёт йўли барчамиздан шунини талаб қилмоқда.

Ақбар ЖОНУЗОКОВ



маданият саройлари, театрлар ва концертлар ташкилотларининг энг яхши жамоаларини пул мукофотлари билан тақдирлаш лозимлиги кўрсатиб ўтилди. Шу билан бирга, маданият ва санъатни ривожлантиришдаги хизматлари учун Наврўз байрамни ўтказишда меҳнат қилган бир гуруҳ маданият, санъат ва ижодий ташкилотлар вакилларига фахрий унвонлар берилди.

Ўзлгимизнинг тимсоли бўлган барча маънавий-маърифий илдишларимизга болта урилган, қадимий анъана ва урф-одатлар топталган, ҳатто доққозондаги сумаларлар ағдарилиб, Наврўз эскилик сарқити, деб эълон қилинган каттол бир даврда миллий ўзлгини англашга қаратилган бундай ҳаракат том маънодаги буюк жасорат намунаси эди.

Ўша йили 20 июнда яна бир тарихий воқеага гувоҳ бўлдик, у ҳам бўлса диний айём — Қурбон ҳайитини байрам қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Президентининг фармони эди: «Мусулмонларнинг қўллаб-қувватлаш ва ҳоҳишларини қондириш ва Ўрта Осиё мусулмонлари диний бошқармасининг мурожаатини эътиборга олиб ҳамда фуқаролар ҳамжиҳатлиги ва меҳр-оқибатини юксалтириш мақсдаида «Қурбон ҳайит» (Ийд ал-адҳа)ни бу йил 22 июнь кuni ва кейинги йилларда эса «Қурбон ҳайит»нинг биринчи кuni дам олиш кuni деб тайинлансин».

Кечагина масжиду мадрасалари байрон қилиниб, бўзиб ташланган, «дин — бу халқ учун афюндир» деган сохта шиор авж олиб, ҳатто отасининг жанозасида қатнашгани боис «хурофот тадбирида иштирок қилди», деган айбонмалар билан ишдан ҳайдалган, эътиқодга туфайли қувган ва бадағда қилинган халқимиз учун бу ҳужжат озоодликнинг яна бир нафаси, эркинликнинг навбатдаги шабадаси бўлди.

Мустақиллик дунёга жар солиб, уни эълон қилишдангина иборат эмаслигини, қуруқ байроқ кўтариб, бўлди, энди мустақиллик, деб, хотиржамликка берилиш билан ҳали унга эришиб бўлмаслигини дунё аҳли

Ўзбекистоннинг 25 йиллик мустақил тараққиёт йўли ҳар томонлама тасдиқлаб бермоқда. Юқорида тилга олинган, Ватанимиз мустақиллигининг даракчилари ҳисобланган учта буюк тарихий воқеани олайлик. Улар асосида тикланган, халқнинг руҳи, қалби ва қиёфасини ифодалайдиган қадриятлар — тилимиз, динимиз, миллий байрам ва анъаналаримиз мустақиллик йилларида янада мустаҳкамланди, шаклан ва мазмунан бойиди.

Масалан, коммунистик мафкура кишанларидан озод бўлиб, эркинликка чиққан Наврўз бугунги кунда Ўзбекистон халқини бирдамлик, ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат байрами сифатида бирлаштириб келмоқда. Эътибор беринг, бу байрамда ўзаро гина-қудуратлар унутилади, эҳтиётчанлар, кексалар, касалмандларнинг ҳолидан хабар олинади, кўча-кўйлар, ариқ-зовурлар, турар-жойлар атрофи, маҳалла ҳудудлари тартибга келтирилади. Буларнинг барчаси «ободлик кўнглидан бошланади», деган қалб-қалбимизга сингиб бораётганидан далолат беради.

Бу қўтлуг айём она юртимиз заминидан истискомат қиланган 130 дан ортиқ миллат ва эллат вакилларининг ҳам ўзлгини, урф-одатларини, маданияти ва санъатини намоён қилишга кенг имкониятлар яратди. Қайси вилоят, туман, шаҳар ёки қишлоққа борманг, ундаги байрам тантаналарида турли тилларда ижро қилинаётган қўшиқлар, ранг-баранг миллий рақслар, таомлар ва урф-одатларни кўришингиз мумкин. Ай-тиш керакки, бугунги кунга келган Наврўз том маънода байналмилал байрам мақомига олди.

У ўлкамизга янгиланиш, яшарли руҳини бахш этиш билан бирга халқимизнинг бунёдкорлик, ободлик, яратувчанлик салоҳиятини ошириб юборди. Ҳар йили Наврўз байрами арафасида маҳалла, овул, қишлоқ ва шаҳарларимиз — бутун Ўзбекистон янада чирой очмоқда. Янги кўприklar, иншоотлар, завод ва фабрикалар ишга туширилмоқда. Миллий ва

нафақат ёруғлигининг, эзгулик ва янги куннинг тантанаси, айни ҳақиқатда миллий ҳамжиҳатлигимизнинг, тинчлик-тотулигимизнинг, яратувчанлигимизнинг ифодаси бўлиб, мамлакатимиз ҳаётида энг муҳим воқеага айланган.

Она тилимиз айнан мустақиллик йилларида ўзининг эркин ва мустақил ҳаётини келтира бошлади. Президентимизнинг шу борада биргина жорий йилда қабул қилинган Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисидаги қарорини олайлик. Бу она тилимизни асраш, ривожлантириш йўлидаги яна бир тарихий ҳаракат, бебаҳо ҳужжат дир. Тил — миллатнинг яшаш шакли. Она тилисиз ҳар қандай халқ таназзулга учрайди. Уни ривожлантирмасдан, нуфузини оширмасдан туриб, келажак тақдиримиз тўғрисида хотиржам бўлиш мумкин эмас. Тил — жонли жараён. Уни парвардилаш, ривожини учун имконият ва шароит яратиш, турли таъсир ва таҳдидлардан ҳимояланмаса, у яшашдан, фаолиятдан тўхтайдиган. Ўзбек тили ва адабиёти музейи ва илмий-тадқиқот институтини ўз ичига қамаб олган мазкур университет дунёда ўзбек тилининг мақоми ва таъсири янада кенгайиши ва ошишига, тилимиз ва адабиётимизнинг ривожига хизмат қилиши шубҳасиз.

Мамлакатимизда барча тилларнинг ривожланиши учун тенг имкониятлар яратилган. 1990 йили Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат тили тўғрисида»ги қонунни амалга ошириш Давлат дастури тўғрисидаги қарори, 1993 йилда «Лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги қонун, 1995 йили «Давлат тили ҳақида»ги қонуннинг янги таҳрири, 1996 йили ушбу қонунни амалга оширишга қаратилган Давлат дастурига тегишли ўзгартиришлар қилиниш ҳақида Вазирлар Маҳкамасининг қарори ва шу каби қатор ҳужжатлар қабул қилингани бу борада муҳим аҳамият касб этди.

Эътибор қаратилган. Бу борада давлат раҳбарининг махсус қарори чиқарилди. Унда хорижий тиллар, жумладан, инглиз тилини умумтаълим мактабларининг биринчи синфидан ўргатиш, чет тилларини ўқитиш сифатини ошириш, педагог кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, бу борадаги саяё-ҳаракатларни рағбатлантириш чора-тадбирлари белгиланди. Яратилган шароит ва имкониятлар натижасида бугунги ёшлар бир неча хорижий тилда бемалол гаплашмоқда. Тошкент шаҳридаги Вестминстер университети, Турин политехника, Сингапур меҳнатини ривожлантириш институтини, Инха университети каби нуфузли олий ўқув ортларида кириш имтиҳонларини ёшларимиз инглиз тилида топширмоқда. Энг нуфузли хорижий ўқув даргоҳларида йигит-қизларимиз бемалол таҳсил олмақда. Миллий тиллар ривожини ва тараққиёти учун яратилган бу каби эркинлик жамиятимиздаги тинчлик ва барқарорлик муҳитининг амалий натижаларидан бири ҳисобланади.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда диний эътиқод эркинлиги тўла таъминланди. Бугунги кунда мамлакатимизда 16 та диний конфессия вакиллари эмин-эркин ўз эътиқодини амалга оширмоқда. 10 адабиётимизнинг ривожига фаолият юритмоқда. Минглаб масжидлар, чорқов ва синагалар ишлаб турибди. Ислам динининг иккинчи муқаддас байрами — Рамазон ҳайити ҳам расмий равишда юртимизда байрам ва дам олиш кuni деб белгиланган. Айнан мустақиллик йилларида мероси халқимизга қайтарилган Имом Бухорий, Имом Термизий, Ҳаким Термизий, Имом Мотуридий, Бурхониддин Марғиноний, Хўжа Аҳрор, Сўфи Оллоёр, Аҳмад Яссавий, Абдухалик Фихудуновий ва бошқа юзлаб ислом дунёси аллома ва мутафаккирлари номини улуглаш, уларнинг муқаддас қадамларини зиёратгоҳга айлантириш борасида хайрли ишлар ҳақида ҳар

ЎЗГАРАЁТГАН
ДУНЁ

ЗИЛЗИЛАДАН
КЕЙИН

Эверест чўққисига
кўтарилиш осонлашди



Неналдаги вайронакор зилзилалардан кейин дунёнинг энг баланд тоғи — Эверест чўққисига кўтарилишда энг мураккаб рельеф шакллари билан йўқолди, деб ёзмоқда NZ Herald сайти.

8790 метрлик баландликда бошланган Хиллари зинаси жуда тик, деярли вертикал қиялик бўлиб, (13 метрга яқин баландликка эга) қор ва муз чўққисини акс эттирди.

Альпинист Марк Хореллнинг айтишича, 2016 йилда бу зина деярли йўқолган, унинг ўрнида эса кўп миқдорда қор юзага келган. Шу боис, чўққига чиқиш эндиликда бирмунча осонлашган.

Мутахассисларнинг фикрича, бундай ҳолат Эверестда 2014 ва 2015 йилларда рўй берган зилзилалар натижасида юзага келган қор кўчклар билан боғлиқ.

Эверестга кўтарилишнинг энг мураккаб қисми ҳисобланган мазкур зина Янги Зеландиялик альпинист Эдмунд Хиллари номи билан юритилади. У 1953 йил 29 майда биринчи бўлиб Эверестни забт этган.

МАРС
ПАРВОЗИГА

энг яхши робот модели
учун мукофот пули
ваъда қилинди

NASA Marsга ўча оладиган роботнинг виртуал моделини яратиш бўйича танлов эълон қилди. Энг яхши лойиҳа муаллифи бир миллион доллар олади, деб хабар бермоқда агентликнинг расмий сайтига иктибос келтирган ҳолда РИД «Новости» ахборот агентлиги.

Вазифа шундан иборатки, робот фазогирлар учун ҳаётий аҳамиятга эга бўлган хавфли ва мураккаб топшириқларни бажариш ҳамда кемадаги носозликлар ва фавақулдада вазиятларга ишлай олиши керак.

Танлов иштирокчиларини рўйхатга олиш 16 августдан бошланди. Финалчилар номи декабрда аниқланади. 2017 йил охирида эса голиб номи эълон қилинади.

54,5 МИЛЛИОН
ЙИЛ

муқаддам яшаган
жонзотнинг

қолдиқлари топилди



54,5 миллион йил муқаддам яшаган ҳамда эволюциянинг кейинги икки шохобчасига бошланган берган энг қадимги ва содда примат қолдиқлари Хиндистон фарбидида Гужорат штатидан топилди. Бу ҳақда ТАСС ахборот агентлиги хабар бермоқда.

Қўмир қонининг навбатдаги қатламини ҳазми очилиш пайтида ишчилар кичик қадимий мавзудининг скелет қолдиқларини топишган. Топилма халқаро палеонтологлар жамоасига тақдим этилди. Мутахассислар қолдиқларни ўрганиб, уларнинг 54,5 миллион йил муқаддам яшаган жониворга тегишли эканлигини аниқладилар.

Олимлар скелет қолдиқлари асосида «барча маймунлар бобоси»нинг ташқи қўрнини тиклашга эришдилар. Маълум бўлишича, у 150–300 грамм вазинли мавжудот бўлиб, ташқи жиҳатдан бугунги лемулларга ўхшаб кетган. Қўлари катта, қиска бўралли жонивор дарахтларда яшаган.

ОЛИМПИАДА — 2016

■ Кеча Тошкент вақти билан ярим тунда эркин кураш бўйича мусобақалар давом этди.

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

ҲОКИМ ВА ЖУРНАЛИСТЛАР МУЛОҚОТИ

«Давлат ҳокимия-
ти ва бошқаруви
органлари фаоли-
янинг очиқлиги
тўғрисида»ги қонун
ижроси юзасидан
навбатдаги матбуот
анжумани ўтказил-
ди. Унда Тошкент
шаҳар Миробод
туман ҳокими
Шарофиддин
Қодиров иштирок
этди.

У журналистлар билан мулоқотга киришишдан аввал, туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ободончилик-бунёдкорлик ишлари самараси, кичик бизнес ва хусусий тадбир-корликнинг тараққиётга қўшаётган ҳиссаси, бандлик, уй-жойларни куз-қиш мавсумига тайёрлаш ишлари ҳақида маълумот берди.

— Худудимизда 130 минг нафардан зиёд аҳоли яшайди, — деди ҳоким. — Туман-имизда 39 маҳалла ва 756 кўп қаватли уйга хизмат кўрсатувчи 319 хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати ва 17 бошқарув компанияси фаолият кўрсатмоқда. Қайд этиш кераки, мазкур тизимда ишларнинг тўғри ташкил этилганлиги натижасида фуқароларимизнинг коммунал хизматлар бўйича муурожаатлари камайди.

Туман ҳудудида бугунги кунда 11 йирик корхона мавжуд. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони 3858, хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар 555 тани ташкил этади. Жорий йилнинг ўтган олти ойи давомида 669,9 миллиард сўмлик sanoat маҳсулоти, 244,5 миллиард сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилган.

Ижтимоий соҳа объектларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш ҳокимлигининг доимий эътиборида. Бу ишларга маҳаллий бюджет ҳисобидан 1,3 миллиард сўм миқдорида маблағ ажратилган. Тижорат банклари томонидан эса ҳозирга қадар 5,236 миллиард сўм миқдоридаги кредит йўналтирилган.

Мустиқлигимизнинг 25 йиллик байрамига туман аҳли ҳам қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Айни пайтда улар ободончилик ва бунёдкорлик ишлари билан банд. Туманда Болалар спортини ривожлантириш жағфармасининг олти миллиард сўмлик маблағи ҳисобидан Ангил атлетика ва спорт ўйинларига ихтисослаштирилган спорт мактаби қурилиши яқин ойларида ниятсизга етказилади.

Матбуот анжуманида ҳоким журналистларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб қайтарди.

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

УЧ НАФАР БОКСЧИМИЗ ФИНАЛДА!

Рио-де-Жанейро (Бразилия)да давом этаётган XXXI ёзги Олимпия ўйинларида боксчиларимиз муваффақиятли иштирок этишмоқда.

Мусобақаларда ўн бир нафар боксчимиз жангларга киришган бўлса, ҳозиргача улардан Ҳасанбой Дўсматов (49 кг) олтин, Шаҳрам Ғиёсов (69 кг) кумуш, Муроджон Аҳмадалиев (56 кг) ҳамда Рустам Тўлаганов (91 кг) бронза медали билан тақдирланишди.

Яна тўрт нафар «чарм қўлқоп» устаси медаллар учун курашни давом эттириётганлиги қувонарлидир. Жумладан, ўсмирлар ўртасида жаҳон ва Осиё чемпиони, II ўсмирлар олимпиадаси ғолиби, катталар ўртасида Осиё чемпиони ва жаҳон чемпионати совриндори Бектемир Мелиқўзиев (81 кг) ярим финалда Мисаэль Узиел Родригез (Мексика) билан куч сиなしб, рақибига ҳеч қандай имконият қолдирмади. У энди ҳал қилувчи баҳсда кубалик Арлен Лопезга қарши рингга кўтарилади.



Ангил атлетикачимиз Светлана Радзивил баландликка сакраш баҳсларида финалда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Шунингдек, ҳамюртларимиз Герасим Кочнев ва Серик Мирбеков каноэда 1000 метр масофага эшиш-каш бўйича жуфтлик баҳсларида, полвонла-

римиз Аббос Раҳмонов (57 кг) ва Бекзод Абдураҳмонов (74 кг) эркин кураш беллашувларида, Анастасия Сердюкова бадий гимнастика бўйича баҳс-

ларга киришди. Нигора Турсункулова (67 кг) таэквондо (WTF) бўйича дастлабки учрашувни муваффақиятли ўтказди. У Швеция вакили

Йоханссонни мағлубиятга учратди. Аммо ярим финалда чиқиш учун бўлган жангда 17 ёшли спортчимиз озарбайжонлик тажрибали рақибига имкониятни бой берди.

Мамлакатимиз «чарм қўлқоп» усталари Олимпия ўйинларида муваффақиятли иштирок этишмоқда. Умумжамоа ҳисобида Ўзбекистон спортчилари ҳозирча битта олтин, битта кумуш ва иккита бронза медалини қўлга киритган ҳолда пешқадамлардан бири бўлиб турганлиги ҳам фикримиз тасдиғидир.

Эркин ХОЛБОБО,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

КИТОБ ТАҚДИМОТИ

Тошкент кимё-технология институтида «Ўзбекистон» нашриёти томонидан чоп этилган «Кимёгар — технологлар маскани» номли китоб тақдими бўлиб ўтди. Тадбирда ўқитувчи ва профессорлар, талабалар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

«Кимёгар — технологлар маскани»

Тақдимотда сўзга чиққанлар институт жамоасининг чорак аср мобайнида босиб ўтган шарафли йўли, эришган ютуқлари ҳақида фикр юритиб, китобда ана шулар ҳақида баътафсил маълумот берилганини эътироф этдилар.

Китоб саккиз бобдан иборат бўлиб, институт жамоасининг ўтмиш ва ҳозирги ҳаёти ранг-баранг суратлар билан ифода этилган. Ўтган 25 йил мобайнида мазкур илм даргоҳидан йигирмадан ортиқ академик, фан докторлари етишиб чиққан ва уларнинг фидокорона меҳнатлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланган.

— Институтимиз бир қатор хориж олий ўқув юртлари билан ҳамкорлик қилади, — дейди китоб муаллифи, кимё фанлари доктори Қудрат Аҳмеров. — Ўтган чорак аср мобайнида илмий тадқиқот ўтказиладиган замонавий фан кабинетлари, энг илғор технологияларга асосланган лабораторияларга эга бўлди. Институтда тахсил олган бакалавр ва магистрлар бугунги кунда халқ ҳўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қиляпти.

Институтнинг Қўнғирот сода заводи ҳудудида жойлашган лаборатория, ўқув ва амалиёт хоналари замонавий ускуналар билан жиҳозланган ва бу ерда турли тадқиқотлар олиб борилади.

Тақдимот якунида оммавий ахборот воситалари вакиллари қизиқтирган саволларга жавоб берилди.

Мирзо АНВАР

ИСТИҚЛОЛ ИМКОНИЯТЛАРИ

АЁЛЛАР СПОРТ ФЕСТИВАЛИ



Нуробод туманидаги 2-умумтаълим мактабида Хотин-қизлар кўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлими ҳамда бир қатор мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида мамлакатимиз мустиқлигининг 25 йиллигига бағишланган аёллар спорт фестивали ўтказилди.

Тадбир хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, маҳаллаларда спортнинг оммавийлигини таъминлаш мақсадида ташкил этилди.

Фестивалда хотин-қизлар спортнинг беш тури — волейбол, шохмат, ангил атлетика (тўрткураш) ҳамда стол тенниси бўйича ўз маҳоратларини намойиш этишди. Ҳакамлар хайъати қарорига кўра, волейбол бўйича Нурбулоқ ҚФЙ жамоаси биринчи, Нуробод шаҳар маҳаллалари жамоаси иккинчи, Тим ҚФЙ маҳалласи учинчи ўринга муносиб деб топилди.

Ангил атлетика ва стол тенниси мусобақаларида Сазагон ҚФЙдан Шаҳноза Саъдуллаева ҳамда Насиба Беккулова, шохмат бўйича Улус ҚФЙдан Гавҳар Қорабоева биринчи ўринга сазовор бўлди. Фестиваль ғолиблари ҳамда иккинчи ва учинчи ўринни қўлга киритган Дилноза Тошнйёзова, Ўғиллой Алимова, Адолат Саидова, Мелихол Эшнаева, Наргиза Исаева, Муҳлис Раҳматовалар, шунингдек, бир қатор номинациялар бўйича ғолиб деб топилган Улус, Жарқудук, Тим, Нурбулоқ қишлоқ фуқаролар йиғинлари ташкилотчи ва ҳомийлар томонидан диплом, эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, туманимизда спорт-соғломлаштириш ишлари билан бир қаторда меҳнатга лаёқатли хотин-қизларни иш билан таъминлашга алоҳида



эътибор қаратилмоқда. Жорий йилда туман Бандликка кўмаклашиш марказига муурожаат қилган 369 нафар хотин-қиз турли ташкилот ва корхоналарга ишга жойлаштирилди, уларнинг тўрт нафари касбга қайта тайёрлаш учун юборилди. Мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида беш маротаба ўтказилган бўш иш ўринлари ярмаркаларида хотин-қизларнинг 35 нафари иш билан таъминланди.

Бундан ташқари, ижтимоий муҳофазага муҳтож ёлғиз аёллар, 14 ёшгача ногирон фарзанди бўлган оналарга ўз уйларида фаолият юритишига шароит яратилиб, улар касаначилик ишларида жалб этилди.

Спорт фестивали аёлларимиз кайфиятини кўтарди, уларни ижтимоий фаолликка ундади, деб ўйлайман.

Нодира БОТИРОВА,
Нуробод туман ҳокими ўрин-
босари, Хотин-қизлар
кўмитаси раиси.

РЕКЛАМА

Qishloq Qurilish Bank жамоаси



юртдошларимизни мамлакатимиз
Мустиқлигининг 25 йиллик байрами билан
муборақбод этади!

Сизларга мустиқкам соғлиқ, оилавий
хотиржамлик, Ватанимиз тараққиёти ва
фаровонлиги йўлидаги бунёдкорлик ишларингизда
муваффақиятлар тилайди.

Фурсатдан фойдаланиб сизларга
янги омонат турларини таклиф этади.

Миллий валютада:

«Мустиқил юртим»

Омонатга маблағлар 3 ойга қабул қилинади.

Омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда

ёки омонат муддати тугаганидан сўнг тўлаб берилади.

Хорижий валютада:

«Комфорт»

Омонатга маблағлар 1 ойга қабул қилинади.

Омонатга маблағлар АҚШ долларлари қабул қилинади,
фоизлар омонат муддати тугаганидан сўнг тўлаб берилади.

Қуйидаги омонат турлари намунавий лойиҳалар асосида қурилайётган
уй-жойларни оловчи фуқароларни қўлаб-қувватлаш мақсадида жорий қилинган:

«Мадад»

Маблағлар 1 йилдан кам бўлмаган муддатга қабул қилинади.

«Қурилишга бошланғич бадал»

Муддати — 1 йил.

Сизнинг омонатингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини
кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатингиз:

- солиқ ва мажбурий тўловлардан озод;
- эгалик қилиш ҳамда тасарруф этиш ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- миқдори чекланмаган.

Муурожаат учун телефонлар: (+99871) 150-72-58, 150-39-93.

www.qqb.uz

Қишлоқ қурилиш банк — фаровон ҳаётингиз хизматида!

Хизматлар лицензияланган.

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla OROPOV

Hotamjon KETMONOV

Ulug'bek VAFOYEV

Rustam KAMILOV

Saidkamol

XODJAYEV

Muslihiddin

MUHIDDINOV

Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 0006-raqam bilan
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etiladi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va
shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 859
888
nuxxada
bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 20:45
Topshirilgan vaqti — 02:00

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Bardambek SA'DULLAYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633



1 2 3 4 6